

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБИДОВА АЗИЗА ДЖАЛИЛОВНА

**РЕГЕНЕРАТИВ ФАОЛЛИККА ЭГА ЖАРОХАТ КОМПОЗИЦИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

03.00.11 – Гистология, цитология ва хужайра биологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абидова Азиза Джалиловна

Регенератив фаолликка эга жарохат композициясини яратиш.....3

Абидова Азиза Джалиловна

Создание композиций раневых покрытий с регенеративной активностью.....21

Abidova Aziza Djalilovna

Creation of wound dressings with regenerative activity39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБИДОВА АЗИЗА ДЖАЛИЛОВНА

**РЕГЕНЕРАТИВ ФАОЛЛИККА ЭГА ЖАРОХАТ КОМПОЗИЦИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

03.00.11 – Гистология, цитология ва хужайра биологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/B458 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ibb-nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Цеомашко Наталья Евгеньевна биология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Шахмурова Гульнара Абдуллаевна биология фанлари доктори, профессор Хашимова Зайнат Саттаровна биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «21» апрел соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96).

Диссертация билан Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 26 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru; tamurjon2281@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил « 5 » апрел кuni тарқатилди.
(2021 йил « 5 » апрел даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Сабилов Равшан Заирович

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Позилев Маъмуржон Комилжонович

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
котиби, б.ф.д.

Ахмеджанов Искандар Гулямович

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон тиббиёти ва фармакологиясининг долзарб муаммоларидан бири турли хил келиб чиқадиган жароҳатларни даволаш учун дори шакллари ишлаб чиқиш ва яратиш бўлиб қолмоқда, чунки жароҳат қопламалари учун жуда кўп талаблар қўйилади бу фақат полифункционал қопламалар бўлиши мумкин. Жароҳат қопламалари регенератив самарага эга бўлиши, парчаланадиган, биологик мос келадиган, токсик, пироген, аллергиялик бўлмаслиги керак, жароҳат қатламига юқори сингиш қобилиятига эга бўлиши керак, микроорганизмлардан химояланган бўлиши, газлар, сув буғларини ўтказувчанлик ва бошқа хислатларга эга бўлиши керак.

Дунёнинг етакчи тадқиқот марказлари кўп функцияли жароҳат қопламаларини яратиш бўйича интенсив тадқиқотлар олиб бормоқда. Бироқ, барча сай-ҳаракатларга қарамай, ҳозирда мавжуд бўлган боғлов материалларининг ҳеч бири юқоридаги талабларни барчасини ўзида мужассам этмаган. Шунинг учун ушбу соҳада қўшимча тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда маҳаллий хом-ашё асосида импорт ўрнини босувчи янги доривор воситалар яратиш ҳамда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий фармацевтика саноати доимий ва полифункционал коллаген асосидаги жароҳат қопламаларининг ишланмаларини ишлаб чиқаришни хали йўлга қўйгани йўқ. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, тиббиёт муассасалари ва аҳолини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда регенератив ва антимикроб таъсирга эга маҳаллий полифункционал, доимий жароҳат қопламаларини ишлаб чиқиш ва яратиш, шубҳасиз турли хил этиологияли жароҳатларни даволашда ва импорт ўрнини босишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда фақатгина 2020 йилда PubMed маълумотлар базасида коллаген асосидаги жарохат қопламалар ва янги тажрибаларнинг 5000 дан ортиқ хили хақида маълумот мавжуд. Коллагенли жарохат қопламалари- бу таркибида антибиотик мавжуд гидрогелли коллаген (Ghica M.V. et al., 2011), биологик фаол компонентларга эга коллаген комплекслари (Mitra T. et al., 2011, Berechet M.D. et al., 2020) ва асоси электроформланган нанотўқимали коллаген (Fullana M.J. et al. 2012) ва биологик тери ўрнида фойдаланса бўладиган Biobrane®, Integra®, Apligraf® ва Transcyte® (Zhong S.P. et al., 2010) ва икки қаватли фибрин елимли коллагенли мембраналар (Richter M. et al., 2020) ва трифункционал полиуретанли коллаген гибриди (Claudio-Rizo J.A. et al., 2020) ва хитозан/коллаген асосидаги пленкалар (Andonegi M. et al., 2020, Cao J. et al., 2020) ва бошқалар.

МДХ мамлакатларида коллаген ва уни асосидаги турли махсулотларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришади (Kukhareva L.V. et al., 2010, Кауламбаева М.З., 2010), жумладан жарохат қопламалари ва тўқима-инженерлик конструкциялари.

Мамлакатимизда ушбу муаммо билан Биоорганик кимё институти олимлари томонидан жарохат қопламалари-коллагенли губкалар асоси учун коллаген ажратилган (Раджабов О.И. ва бошқ. 2011). Ўсимлик моддалари кимёси институтида Цеомашко Н.Е. ва Азимова Ш.С. томонидан терининг терапияси учун дермал эквивалентини яратиш учун коллаген ажратилган ва илмий изланишлар олиб борилган. (2012).

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017092910 «Юмшоқ тўқималар ва терини турли генезли жароҳатланишини даволаш учун ярим ўтказувчи ва биодеградацияланувчи жароҳат қопламаларини яратиш» (2018-2020) амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Антимикроб, антиоксидант ва регенератив фаолликка эга, биологик фаол компонентлар қўшилган коллаген асосли, бутунлай парчаланадиган, биомос келадиган, кўп функцияли жарохат қопламаларининг янги композицияларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

келажакда олинадиган композициялар учун энг фаол концентрацияли, микробларга қарши, пролифератив ва антиоксидант фаоллиги мавжуд бўлган, биологик фаол компонентларни (алкалоидлар, флавоноидлар, ўсимлик экстрактлари) аниқлаш ва танлаш;

каламуш думининг пайларидан коллаген олиш, оддий жарохат қопламаларини яратиш, токсиклигини, физик-кимёвий хусусиятларини ва регенератив фаоллигини баҳолаш;

коллаген ишлаб чиқаришни саноат миқёсига ўтказиш учун қорамол пайларидан коллаген ажратиш;

каламуш, қорамол коллагени ва биологик фаол компонентлар асосида мураккаб жароҳат қопламаларини яратиш, физик-кимёвий хусусиятларини, токсиклигини ҳамда регенератив фаоллигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оксиллар кимёси усули билан ажратиб олинган коллаген, алколоидлар, флавоноидлар, ўсимликлар экстракти, бирламчи фибробласт хужайралари, граммусбат (*B.subtilis* ва *S.aureus*) ва грамманфий (*P. aeruginosa* ва *E.coli*) бактерияларнинг штамлари ва *C.albicans* замбуруғлари; қуёнлар, каламушлар, уларнинг аъзолари ва биологик суюқликлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети цитотоксик, пролифератив, антибактериал, замбуруғларга қарши, антиоксидант, ярага қарши ва жароҳат қопламалари, уларнинг таркибий қисмларининг регенератив фаоллиги, ўткир ва сурункали токсиклиги, жароҳат қопламаларининг жароҳатни даволаш таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда хужайра биологияси (хужайра культураларини олиш ва цитотоксикликнинг скрининги), оксиллар кимёси усуллари (оксилни ажратиш ва тозалаш), биокимё усуллари (нейтрал қизил тести, МДА миқдорини аниқлаш, каталаза фаоллиги, ишқорий фосфатаза, АлТ, АсТ ва бошқ.), физик-кимёвий усуллар (қалинлиги, мустахкамлиги, адгезия кучи), фармако-токсикология усуллари (ўткир ва сурункали токсиклигини, тери резорбтив ва бошқа ҳаракатларни баҳолаш), гисто-морфология усуллари (экспериментал хайвонлар аъзолари, тўқималар морфологиясини ва уларнинг гистологиясини баҳолаш), иммунология (ИФА) усулларида фойдаланилди. Математик ва статистик маълумотлар Origin 7.5 (Origin Lab) дастурий таъминоти ёрдамида қайта ишлов берилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта коллаген асосидаги полифункционал, биологик мослашувчан, парчаланадиган, токсик бўлмаган, жароҳатларни боғлайдиган, ўсимликлардан олинадиган биологик фаол компонентлар филлалбин алкалоиди, флавоноид кверцетин, кверцетин гликозиди рутин ва *Rumex confertus* (Rc) экстракти билан янги композициялар олинган;

жароҳат қопламалари учун биологик фаол қўшимчаларнинг самарали концентрацияси аниқланди: 12,5-25 мкг/мл филлалбин алкалоиди фибробластларнинг пролиферациясини чақиради, 150 мкг/мл кверцетин ва рутин, антиоксидант ва жароҳатни даволаш самарасини беради, 50 мкг/мл *R.confertus* ўсимлик экстракти фибробластларнинг пролиферациясини стимуллади ва патоген микроорганизмларнинг кўпайишини олдини олган;

йирингли ва куйган жароҳатларнинг тикланишини 1,49-1,73 марта тезлаштириш имконини берадиган антимиқроб, антиоксидант ва регенератив фаолликка эга бўлган композициялар аниқланган;

каламуш ва қорамол коллагенига асосланган жароҳат қопламалари композицияларининг физик-кимёвий, фармако-токсикологик ва тиббий биологик кўрсаткичлари нуқтаи назаридан характеристикаси берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

махаллий хом ашё асосида яратилган жароҳат қопламаларининг янги полифункционали композициялари йирингли ва куйган жароҳатларни, шунингдек яраларни даволашда самарали бўлиб, жароҳат қопламаларининг кенг кўламли талабларига мос келади, токсик бўлмаган, гистологик мос, гипоаллерген, парчаланадиган, клиникагача бўлган текширувларнинг тўлиқ спектри асосида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Натижалар замонавий хужайра технологиялари, гистологик, биокимёвий, фармако-токсикологик ва физик-кимёвий усуллари ёрламида олинганлиги билан тасдиқланади ва замонавий аналитик ҳамда статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинганлиги билан асосланади. Бу мутахассисларнинг эксперт хулосалари, шунингдек миллий ва халқаро илмий конференциялардаги муҳокамалар, материалларнинг рецензиядан ўтадиган илмий журналларда нашр этилиши билан изоҳланади, бундан ташқари 2 та патент олиш учун Ўзбекистон Республикасининг мулк агентлигига аризалар топширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, коллагенга филлалбин, кверцетин, рутин ва *R.confertus* экстракти *ex situ* киритилиши, плёнка кўринишидаги полифункционал, регенератив фаолликка эга, тиббий-биологик ва физик-кимёвий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда жароҳат қопламаларини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган янги жароҳат қопламалари композицияларнинг асосий қисми клиник олди тадқиқотлардан ўтган, натижада уларнинг полифункционал фаоллиги, гистологик мутаносиблиги, токсик бўлмаганлиги ва регенератив фаоллиги тасдиқланди, натижада ушбу препаратларни кейинчалик клиник амалиёт учун, бундан ташқари маҳаллий фармсаноатида йирингли, куйиш ва сурункали жароҳатларни даволашда юқори самарали ва рақобатдош препаратлар сифатида тавсия этиш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Регенератив фаолликка эга биологик фаол компонентлар билан коллаген асосида кўп функцияли жароҳат қопламалар композицияларини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

тажрибалардаги хайвонлар ошқозонида жароҳат моделларига биологик фаол компонентларнинг гастропротектор таъсири, «Бўшаштириш хусусиятига эга «Равонол» биологик фаол кўшимчасини серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш» И-6-ФА-ТО31 рақамли инновацион лойиҳада ушбу препаратнинг хоссаларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 14 октябрдаги №4/1255-2195-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу препарат тиббиётда жароҳатга қарши таъсирга эга восита сифатида фойдали эканлиги кўрсатилди;

биологик фаол компонентларнинг турли генездеги жароҳатларга (йирингли жароҳат, куйиш) даволовчи таъсири «Бўшаштириш хусусиятига эга «Равонол» биологик фаол кўшимчасини серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш» И-6-ФА-ТО31 рақамли инновацион лойиҳада ушбу препаратнинг регенератив хусусиятларини аниқлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 14 октябрдаги №4/1255-2195-сон маълумотномаси). Натижада ушбу препаратни тиббиётда регенератив фаолиятга эга восита сифатида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси халқаро ва 3 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жароҳат қопламалари ва жароҳат терапиясининг адабиётлар шархи**» деб номланган биринчи бобида, жароҳат қопламаларига қўйиладиган талаблар ва замонвий жароҳат қопламаларининг хилма хиллиги, ҳам шу йўналишдаги турли тажрибалар келтирилган. Жароҳатларнинг хилма-хиллиги, жароҳатларнинг юқиши, асоратлари тўғрисида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг шарҳида батафсил баён этилган, тўқималар шикастланишининг этиологияси, нозологияси ва терапия усуллари берилган, жароҳатларни боғлашга қўйиладиган талаблар ва замонвий жароҳат қопламалари ва шу йўналишдаги тадқиқотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оқсиллар кимёси, гистология ва хужайра биологияси материаллари, шартлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби экспериментал қисмини ўз ичига олади, унда қўлланилган реактивларнинг хусусиятлари ва унга асосланган коллаген ва жароҳат

копламаларини олиш усуллари, цитотоксиклик, токсиклик, регенератив, пролифератив ва бахолаш усуллари ва бошқалар келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Каламуш коллагенига асосланган жарохат қопламаларини олиш ва уларнинг регенератив фаоллигини йирингли жарохат моделларида бахолаш**» га бағишланган. Ушбу бобда лаборатория шароитида каламуш думларининг пайларидан коллаген ишлаб чиқариш бўйича микробларга қарши, пролифератив ва антиоксидант таъсирга эга жарохат қопламаларининг (ЖК) композициялари учун биологик фаол компонентларни (БФК) танлаш бўйича каламуш коллагенига асосланган оддий композицияларни яратиш, унга БФКларни *ex situ* киргизиш бўйича тадқиқотларимиз натижалари келтирилган.

Коллаген 0,1 Н сирка кислотаси ёрдамида каламуш думидаги пайлардан ажратиб олиниб, центрифуга қилиш ёрдамида концентрланган ва дистилланаган сувга нисбатан диализланган.

Фибробласт хужайраларининг энг фаол БФКнинг бошланғич культураларини танлаш учун *neutral* қизил колориметрик усул ва цитотоксиклиги *in vitro* усуллар ёрдамида БФКнинг пролифератив хусусиятларини бахолаш учун фойдаланилган; антимикроб фаолияти ЎзРССВ НИИЭМИЗ томонидан тақдим этилган микроорганизмларнинг шартли штаммлари ёрдамида Егоровга мувофиқ тешиклар усули билан бахоланди; флавоноидларнинг антиоксидант ва захарга қарши фаоллиги *in vivo* усуллар билан экспериментал стрессда ва ошқозон ярасининг индометацин билан боғлиқ моделларида аниқланди;

БФК ларнинг ўткир ва сурункали токсиклиги *in vivo* усуллар ёрдамида аниқланди. БФК сифатида ўрганилди: «Консубин» препаратининг субстанцияси—икки хил алколоид аралашмаси: конвольвин ва конволамин (Co), бундан ташқари индивидуал бирикмалар— филлальбин алкалоиди (F). Ушбу препаратлар *Convolvulus* (*C. subhirsutus*, *C. krauseanus*) туркумидаги ўсимликлардан ЎзР ФА ЎМКИ алкалоидлар лабораториясида проф. Арипова С.Ф. бошчилигида ажратиб олинган. Кверцетин (К) ва унинг гликозиди—рутин (Ru)-флавоноидлари *S. japonica* куртакларидан ЎзРССВ, Фармацевтика институтида ажратиб олинган ва Махмудов С.Д. томонидан тадқиқотлар учун тақдим этилган. Антимикроб фаолликка эга бўлган (*Rc*) *R. confertus* ўсимлигининг ер усти ва илдиз қисмларидан ажратилган полифенол (танин) бирикмаларининг қуруқ экстракти. Экстракт ЎзР ФА нинг Биоорганик кимё институтида Махмудов С.Д. томонидан ажратилган, токсиклиги ва антимикроб фаоллиги ўрганилган.

коммерческий препарат «NeuSkin-F» (Eucare Pharmaceuticals (P) Limited, India)—коллаген асосидаги кўшимчаларсиз жарохат қопламаси олинган натижаларни солиштириш учун хизмат қилади.

Биологик фаол компонентларнинг цитотоксиклиги ва ўткир токсиклигини бахолаш. Ушбу БФКнинг цитотоксиклиги ва пролифератив фаоллигини бахолаш тери хужайраларининг бирламчи культуралари-янги туғилган каламуш болаларининг дермисидан олинган фибробластларда ўтказилди. БФК 0,78-200 мкг/мл концентрацияларда текширилди. Натижада

аниқланишича барча БФК 50 мкг/мл дан паст дозада фибробластларни у ёки бу даражада пролиферациясини стимуллайди. IC_{50} Rc учун 150 мкг/мл, Ко учун IC_{50} 100 мкг/мл тенг, қолган барча БФК лар учун $IC_{50} > 200$ мкг/мл (1-жадвал) ташкил қилади. 0,78-200 мкг/мл гача бўлган концентрацияларда тери хужайраларининг кунлик таъсири фибробластларнинг пролифератив фаоллигининг сезиларли ўзгаришларига олиб келади, жумладан филлалбин алколоиди барча препаратлар ичида пролиферацияни юқори даражада келтириб чиқаради, пролиферация пиклари 1,5 мкг/мл ва 12,5-25мг/мл ($P \leq 0,001$) концентрацияларда кузатилади.

1-жадвал

Фибробласт хужайраларининг тириклик фоизи, текширилаётган моддаларнинг турли концентрацияда 24 соат давомида фибробластларга таъсири

Моддалар миқдори мкг/мл	Моддалар таъсиридан кейин фибробласт хужайраларининг тириклик фоизи				
	Филлальбин	Кверцетин	Консубин	Экстракт Rc	Рутин
0,8	116,8±1,01	125,5±1,15*	98,5±1,09	115,2±1,42	118,0±1,24
1,6	166,7±2,03**	122,2±1,54*	110,0±1,39	110,5±1,93	94,2±2,33
3,1	93,7±1,36	115,7±1,89	66,2±1,30	103,8±0,99	96,7±0,97
6,2	115,8±2,12	110,2±1,64	104,0±1,71	107,3±1,22	100,5±1,95
12,5	179,3±1,93**	111,0±2,31	108,2±1,78	134,8±1,78	97,5±1,89
25	124,0±1,51*	135,0±1,83*	117,8±1,35	126,2±1,80*	103,5±1,69
50	83,8±2,27*	136,0±1,59*	96,2±1,87	147,0±1,88*	97,3±1,63
100	68,5±1,98*	76,8±1,66*	51,2±2,04**	58,0±2,68**	80,2±2,30*
200	71,8±1,19*	67,3±1,94*	39,3±1,23**	42,7±1,87**	66,8±1,58*

Изох: хужайраларнинг ҳаёттилик даражаси 100% * $P \leq 0,05$, ** $P \leq 0,001$ интакт хужайралар билан таққосланганда

Антиоксидант-флавоноид кверцетин 50 мг/мл дан қуйи концентрацияда ахамиятсиз, аммо бир меъёрдаги пролифератив таъсир кўрсатди. 25-50 мг/мл концентрациясида Rc нинг антимикроб фаолиятга эга экстракти ҳам пролифератив фаоллигини намоён этди. Алкалоидлар (конвольвин, конволамин) ва индивидуал алкалоид филлалбин йиғиндисининг ўткир токсиклигини ўрганиш танасининг вазни 138-160 г бўлган оқ қаламушларда ўтказилди. Алкалоидларнинг концентрациялари: 3,12 -200 мг/кг, бир марта вена ичига (в/в) ва тери остига (п/к) юборилган. Алкалоидлар суммаси учун $LD_{50}=25$ мг/кг (в/в) ва 50 мг/кг (п/к), филлальбин учун $LD_{50}=150$ мг/кг (в/в) ва 200 мг/кг (п/к) аниқланди. *R.confertus* ўсимлигининг қуруқ экстракти ўткир токсиклигини аниқлашда ҳатто 5000 мг/кг дозада оғиз орқали юборилганда тажрибадаги хайвонларнинг ўлими кузатилмади ва хавфлиликнинг 5-синфи, деярли токсик бўлмаган моддаларга таснифланди, лекин *in vitro* тажрибаларда IC_{50} аниқланди, юқори дозада ошқозон-ичак тракти орқали қонга ўтиб муҳим модификацияга учрайди ва токсиклиги камаяди. Флавоноид кверцетин ва унинг гликозиди рутин учун ўткир токсиклик ўтказилмади, адабиётлардаги маълумотларга кўра улар токсик эмас, ва уларнинг $LD_{50} > 5000$ мг/кг


Биологик фаол компонентларнинг хроник токсиклигини баҳолаш. Алкалоидларнинг субхроник токсиклиги ўрганилди-алкалоидлар йиғиндиси ва индивидуал алкалоид филлалбин. Тажрибалар 150-160 г гача бўлган каламушларда ўтказилди. Алкалоидларнинг эритмалари хар куни каламушларнинг ошқозонига бир ой давомида 5,10 ва 50 мг/кг дозада юборилди. Хайвонларнинг барча гурухларига алкалоидларни сўнгги инъекциясидан сўнг ВС-3000 (Mindray, P.R.China) гематологик анализаторида кўрсаткичларини аниқлаш учун қисман резекция йўли билан дум томиридан қон алиқвоталари олинган. Хайвонларда эфир наркози ёрдамида беҳушлик чақириб, декапитация қилиш усули билан биокимёвий текширувлар учун қон ва морфологик текширувлар учун ички аъзолари олинди. Қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари унифицирланган усуллар билан реактив тўпламлари ёрдамида ВА-88 А биокимёвий анализаторида аниқланди: (Mindray, Xitoy P.R.) (CYPRESS Diagnostics, Belgiya). Аниқланишича, ўрганилаётган алкалоидлар куйи дозада узок муддат давомида экспериментал хайвонларга оғиз орқали юбориш яхши таъсир кўрсатади. Ўрганилаётган препаратларни 5-10мг/кг дозада қабул қилган каламушлар қонининг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлари интакт гуруҳдаги хайвонларнинг кўрсаткичларига тўғри келади, ammo дозанинг ошиши билан кўрсаткичлар патологик томонга ўзгаради, шундай қилиб фермент фаоллиги кўрсаткичлари–ишқорий фосфатаза, АсТ ва АлТ бир ой давомида 50 мг/кг дозада алкалоидларни (конволвин, конволамин) қабул қилган хайвонларда ишонарли ($P<0,02$) ошади, қонда холестерин миқдори кўпаяди ($P<0,05$) умумий оксил миқдори эса камаяди ($P<0,05$) бу овқат хазм қилиш трактининг ишдан чиқганлиги ва алкалоидларнинг кумулятив таъсиридан дарак беради. Шу муносабат билан терапияда алкалоидлар суммасини 50 мг/кг дозада қўллаш мақсадга мувофиқ эмас ва максимал дозаси 10 мг/кг дан ошмаслиги керак. 50 мг/кг гача бўлган филлалбин томир ичига юборилганда ҳам хавфсиздир. Флавоноид кверцетин ва унинг гликозиди рутин учун сурункали токсиклик баҳоланмаган, чунки кучуклар ва каламушларда ўтказилган сурункали захарланиш тажрибаларида ушбу фенолли бирикмаларни 3 хафта давомида хар куни 500 мг/кг дозада оғиз орқали истеъмол қилиш хайвонлар органлари ва биологик суюқликларда патологик ҳолатларни келтириб чиқармаслиги адабиётлардан маълум.

Биологик фаол компонентларнинг антимикроб фаоллигини баҳолаш. Ўрганилган микроорганизмлар штаммларининг суспензиялари “газон” усули билан Петри идишларида озиклантирувчи агар юзасига экилган. Хар бир суюлтиришдан 0,05 мл хажмдаги синов моддалари уруғланган озукавий агарнинг юзасига сурилган. Бир сутка инкубациядан сўнг микроорганизмларнинг ўсишини тўхташ зонасини ўлчанди (d) ва минимал ингибирловчи концентрацияси (МИК) хисобланди. Алкалоидлар суммаси МИК 5%да *E.coli* (d=25 мм)ни, МИК 2,5% ва 1,25% да *S.epidermidis* ва *C.albicans* (d=20 мм)ни ўсишини тўхтатади. Филлальбин ҳам микроорганизмларнинг ўсишини тўхтатади, лекин текширилаётган алкалоид


суммаларидан анча юқори концентрацияларда. Филлальбин МИК 5%да *E.coli* ($d < 20$ мм)ни, МИК 10% ва 2,5% да *S.epidermidis* ва *C. albicans* ($d < 20$ мм)ни ўсишини тўтатади. Рутиннинг изопрופןолдаги эритмасини *P.aeruginosa* 003841/114, *C.albicans* 003592/723, *C.freundii* 002801/27, *S.marcescens* 367, клиник изолят *P.mirabilis* 9 нисбатан антимикроб фаоллиги кузатилмади. *E.coli* NC101 ва *S.saureus* 60 ни ўсишини рутиннинг ҳамма эритмалари 25-200 мкг/мл тўхтатган ($d = 11$ мм). *E.faecalis* OGIFR1 штамми рутиннинг 25 мкг/мл даги эритмасига сезгирлиги аниқланди. ($d = 19$ мм). 12,5 мкг/млда рутин эритмаси *K.pneumoniae* B-1823 ($d = 11$ мм) ўсишини тўхтатган. Шундай қилиб, алкалоид филлалбин ва флавоноид рутин антимикроб фаоллигини намоён қилди, шу билан бирга филлалбин фибробластлар пролиферациясини стимуллайтиди, рутин эса маълум бўлганидай антиоксидант, *R.confertus* ўсимлигининг қуруқ экстракти Махмудов С.Д. олган натижалар кўра антимикроб таъсирга эга ва 50-100 мг/мл концентрациясида *B.subtilis* 5, *E.coli*, *P.aeruginosa* ва *S.aureus* ($d = 18-25$ мм) ўсишини ингибирайди.

Флавоноидларнинг антиоксидант ва захарланишга қарши таъсири. Шиллик қаватнинг шикастланиши кенг тарқалаган патология. Флавоноид кверцетиннинг гастропротектор, антиоксидант, гепатопротектор, капилляропротектор, яллиғланишга қарши ва антигистамин фаоллиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шу муносабат билан маҳаллий флавоноидлар кверцетин ва рутиннинг антиоксидант ва гастропротектив фаоллигини ўрганиш долзарбдир. Бунинг учун каламушларда ошқозон жарохатининг экспериментал стресс ва индометацин моделлари яратилди, бунда тажрибадаги каламушларга моделлаштиришдан 9 кун олдин ҳар куни 150 мг/кг дозада флавоноидларни оғиз орқали юборилди, назорат гуруҳидагиларга сув берилди. Қон аликвоталари МДА миқдори ва каталаза фаоллигини аниқлаш учун, ошқозон эса ошқозон яраларини ҳисоблаш учун олинди. Тажриба натижасида 24 соат давомида иммобилизация стрессига учраган каламушларда ошқозон шиллик қаватининг, майда нуқта, юмалоқ ва овал шаклдаги нуқсонлар пайдо бўлишида намоён бўлганлиги аниқланди (1-расм А). Шикастланишнинг умумий юзаси ошқозон сиртининг 10%дан кўпроғини ташкил қилади. Бундай ҳолда шикастланишнинг кўпроқ майда нуқтали ва овал шакллари борлиги қайд этилган. Рутин қабул қилган хайвонлар ошқозонида шиллик қаватининг шикастланиш соҳаси сезиларли (* $P \leq 0,01$; ** $P \leq 0,001$) даражада кичрайган. Бундан ташқари тажриба гуруҳидаги хайвонларда аниқланишича рутин каталаза ферментини активлайди ва МДА миқдорини камайтиради, бу эса иммобилланган стресснинг салбий факторларини нейтраллашга йўл беради (1-расм, В).

Флавоноид кверцетин шунингдек гастропротектив самарасини кўрсатган, чунки бу препарат билан боқилган хайвонларда меъда шиллик қаватидаги жарохатларининг камлиги кузатилган (2-расм), индометацин индуцирланган ошқозон жарохати моделида қон зардобидида каталаза фаоллиги ошиши ва МДА миқдорининг пасайиши ($P \leq 0,001$) (2-расм А,В).



1-расм, А-Экспериментал индуцирланган иммобилланган стрессда ошқозон жароҳат моделида келиб чиққан ошқозон язвалар сони: рутин ва сув билан даволанган хайвонлар кўрсаткичлари таққосланганда * $P \leq 0,01$; ** $P \leq 0,001$. В-Экспериментал язва моделдаги хайвонлар қоннинг зардобдаги каталаза фаоллиги ва МДА миқдори индуцирланган иммобилланган стрессда ва рутин билан даволанганда: интакт хайвонлар кўрсаткичлари билан солиштирилганда қийматларнинг статистик оғиши * $P \leq 0,005$; ** $P \leq 0,001$.



2-расм. Индуцирланган индометацин ошқозон язвасининг экспериментал моделидаги язвалар сони: плацебо (сув) билан даволанган хайвонларни кига нисбатан қийматларнинг статистик оғиши * $P \leq 0,05$; ** $P \leq 0,01$. А–каталаза фаоллиги ва Б– индометацин таъсирида пайдо бўлган ошқозон жароҳатининг экспериментал модели хайвонларнинг қон зардобдаги МДА миқдори: интакт хайвонлар индекслари билан солиштирилганда қийматларнинг статистик оғиши * $P \leq 0,001$.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси ССВ қошидаги Фармацевтика институтида япон сафораси *S. japonica* куртакларидан ажратилган флавоноид кверцетин ва унинг гликозиди рутин гастропротектив, яллиғланишга қарши ва антиоксидант хусусиятларига эга бўлиб, улар турли этиологияли жароҳатларни даволашда муҳим аҳамиятга эга ва уларнинг фаол концентрацияси 150 мкг/мл, бу эса 150 мг/мл дозага эквивалент.

Жароҳат қопламаларининг композицияларини олиниши ва уларнинг физик-кимёвий, тиббий-биологик ва токсикологик хусусиятларини баҳолаш. Каламуш думлари пайларидан ажратилган, диализланган гел шаклдаги коллагендан плёнка кўринишидаги жароҳат қопламаларининг БФК билан

турли хили 6 тадан (45 мм²) яратилди, булар кверцетин (К-РС), филлальбин (F-РС), консубин (Ко-РС), рутин (Ru-РС) ва антибиотик–антимикотик, 10000 Ед пенициллин ва 10 мг/мл стрептомицин ва 25 мг/мл амфотерицин В таркибли 0,9% ли физиологик эритмада (АА-РС), бундан ташқари кўшимчаларсиз (РС). Петри идишларига БФК бор ва БФК йўғидан гел шаклдаги коллагендан 20 ва 40 мл (диаметри 90 мм) қуйилади. БФК гелга *ex situ* физик усул билан фаол концентрацияларда киритилди: F-12,5 мкг/плёнкага, К ва Ru-150 мкг/плёнкага, Ко-10 мкг/плёнкага, АА-1% ли эритма хисобида. Плёнкаларнинг эластиклиги учун 1% тиббиёт глицерини гел таркибига қўшилди. Қуритиш хона хароратида ламинар боксда ўтказилди; жарённи тезлаштириш учун аммиак буғларидан фойдаланилди. Натижада Ко-РС гели (консубин билан) қуримади ва кейинги тадқиқотларда ишлатилмади. Олинган плёнкларнинг (РС, К-РС, F-РС, Ru-РС ва АА-РС), физик-кимёвий хусусиятлари, масалан адгезия кучи, қалинлиги ва мустахкамлиги ўрганилди. Флавоноидли жарохат қопламалари мустахкамлиги сустроқ бўлиб, оддий коллаген плёнкага нисбатан пастроқ адгезия кучига эга. Петри идишларига коллагенли гелни 40 мл хажмда қуйиш пленкани қалинлиги ва мустахкамлигини, шунингдек ахамиятсиз даражада адгезия кучини оширади.

Экспериментал йирингли жарохат моделларида жарохат қопламаларининг регенератив хусусиятларини баҳолаш. Йирингли жарохат моделлари 150-170 г оғирликдаги оқ эркак каламушларда моделлаштирилди. Каламушлар 6 та гуруҳга 6 тадан ажратилди. Тажрибалар эфир наркози остида ўтказилди. Хайвонларнинг орқа елка депилляция қилинган қисмига трафарет ёрдамида хажми 2,0x2,0 см бўлган тўлиқ қалин тери жарохатлари моделланди. Хар бир жарохатга микроорганизмлар штамmlарини ўз ичига олган 0,2 мл аралашма суртилган: №9572 *S.albicans Berkant*, №М-3-87 *S.epidermitis*, №АТСС 25922 *E.coli* 1 мл концентрацияда 1×10^5 микроб таналари мавжуд. Хар бир хайвон алоҳида қафасда сақланди. Жарохатларни даволаш учинчи куни, барча экспериментал хайвонларда йирингли жарохатлар борлигини визуал равишда аниқлагандан сўнг амалга оширилди. Йирингли жарохатларни даволаш тезлигини баҳолаш учун планиметрик усуллардан фойдаланилди, жарохатга стерил целофан ёки полиакрил пластинкаси қўйилди, сўнгра унинг устига жарохатнинг контурлари туширилди, кейин олинган тасвирлар график қоғозга ўтказилди ва контурларнинг ўлчамлари 3, 12 ва 19 суткалар учун аниқланди. Экспериментнинг учинчи кунида ЖК аллергенлигини аниқлаш учун барча гуруҳ хайвонларининг думдаги венасидан қон аликвоталари олинди (ИФА усули). Жарохат етказилгандан сўнг 22-куни, терининг зарарланган қисмидан гисто-морфология учун олинган. Барча ЖКлари тажрибадаги хайвонларда аллергик реакция чақирмаслиги аниқланган. Коллаген асосидаги ЖК жарохатни даволаш муддатини 1,5 баробар қисқартириши, фибробластлар учун матрикс бўлган экзоген коллаген киритилиши сабаблидир (2-жадвал).


2-жадвал

**Жароҳат қопламалари композицияларининг жароҳат майдон юзасига таъсири
ва тикланиш муддати (M ± m, n = 10, P < 0,05)**

ЖҚ	Жароҳат майдонининг ўзгариши см ²			
	3- сутка	12-сутка	19-сутка	Жароҳатларнинг тўлиқ эпителизацияси, суткалар
RC	3,3±0,09	1,65±0,11	0,55±0,06	22,4±1,1**
Ru- RC	3,2±0,13	0,53±0,07	0,05±0,01	20,1±0,2*
F- RC	3,2±0,11	0,15±0,02	0	16,9±0,2*
K- RC	3,3±0,5	0,55±0,2	0	17,2±0,1*
AA- RC	3,7±0,5	0,93±0,2	0,62±0,04	23,0±0,3*
Назорат	3,9±0,14	1,95±0,16	0,98±0,09	28,9±0,6

*Изоҳ: *P<0,001 назорат билан солиштирилганда; **P<0,002 назорат билан солиштирилганда*

Инсон аралашувисиз тажриба йиринг жароҳатларнинг каламушларда тўлиқ эпителизацияси учун 28-29,5 кун керак бўлди, коллаген асосидаги ЖҚ ёрдамидаги терапияда йирингли жароҳатларнинг тўлиқ эпителизацияси 21,3–23,5 суткагача қисқарган, коллагенли қопламага пролифератор ва антимикроб хусусиятли антиоксидант қўшилиши эпителизация муддатини 16,7–17,3 кунгача қисқартирди. Экзоген коллагеннинг киритилиши тўқима нуқсони ва ҳосил бўладиган чандикнинг кучини тезда йўқ қилишни таъминлайди, бу чандик тўқималарнинг шаклланишини гистологик ўрганиш маълумотларидан маълум.



3-расм Экспериментал хайвонлар терисининг чандикли қисмини гистологик баҳолаш. ГЭ билан бўялган, 20x10 кат.

3-гистологик расмда кўришиб турганидек: назорат (даволанмаган жароҳат) тўқималар олинган вақтида ўзгаришлар билан терининг яхлитлиги бузилган, эпидермис остида репарацион жараёнларга хос бўлган аниқ мононуклеар инфильтрация ва тўқима фибрози мавжуд, бу эса репарацион жараёнларга хосдир. K-RC- терининг яхлитлиги бузилмаган, дермис ва фолликулаларининг коллаген толалари эпидермис остида кўринади; F-RC– кератинизация билан эпидермис тўқимаси, дермис элементлари остида хусусиятларсиз аниқ кўринади; Ru-RC–дерма репарация элементлари билан, эпидермис бузилмаган; AA-RC - эпидерма атрофияли ва дерма репарация элементлари; RC-атрофияланган эпидермис ва дерма репарация элементлари билан фибробластлар пролиферацияси кўринишида

Энг самарали таъсири F-RC ва K-RC ЖҚлари беради, теридан намуналар олинган вақтда тўқималарда эпителизация тўлиқ тугалланган, колган гуруҳларда эса регенератив жараён давом этгани кузатилган, шунга

карамай Ru-RC билан даволашда жароҳатлар визуал равишда тўлик эпителизация бўлган, аммо ички жараёнлар фаоллиги кузатилган.

Диссертация ишининг тўртинчи боби «**Қорамол коллагени асосида жароҳат композицияларини олиш ва уларнинг регенератив фаоллигини куйиш жароҳат моделлари ёрдамида баҳолаш**» га бағишланган. Ушбу бобда қорамол думлари пайларидан саноат миқёсида коллаген ишлаб чиқариш усулини ишлаб чиқиш, бир нечта ўрганилган БФКларни *ex situ* усули ва регенератив хусусиятларини баҳолаш орқали қорамол ва каламуш коллагенлари асосида янада мураккаб композициялар яратиш бўйича, *in vivo* усуллар билан олинган композицияларни куйиш жароҳат моделларидаги ўз изланишларимиз натижалари келтирилган. Саноатда қорамол думидаги пайлардан коллаген олиш учун ферментатив-кислотали усул қўлланилди, коллаген бўлмаган оксилларнинг гидролизи учун 0,25% ли трипсин эритмасидан, коллаген гидролизи учун - 0,1 Н сирка кислота эритмасидан фойдаланилди.

Каламуш ва қорамол коллагенига асосланган янги жароҳат қопламалари композицияларини яратиш. Диализланган коллаген эритмалари Петри идишларига ($d=90$ мм) 40 мл дан куйилди. Қуришидан олдин коллагенга физик усул *ex situ* да турли доза ва комбинацияда БФК киритилди. Параллел равишда каламуш думларининг пайларидан ҳам коллаген олинган. ЖКларининг эластиклигини ошириш мақсадида плёнкаларга 1%ли глицерин киритилди. Регенератив фаоллигини ва токсиклигини таққослаш мақсадида каламуш пайларидан олинган коллагенга асосланган қуйидаги янги ЖК композициялари яратилди: RC-RC-*R.confertus* дан олинган экстрактли коллаген; RC-K-Ru-*S.japonica* дан олинган кверцетинли коллаген; RC-K-Ru-F-кверцетин, рутин ва филлалбин алколоиди билан; RC-қўшимчаларсиз, қорамол коллагени: CC-RC-RC экстрактли коллаген; CC-K-Ru-кверцетин ва рутинли коллаген; CC-K-Ru-F-кверцетин ва рутинли ва филлалбин алколоиди билан; CC-қўшимчаларсиз.

Қорамол ва каламуш коллагенига асосланган жароҳат қопламалари композицияларининг физик-кимёвий хусусиятларини баҳолаш. Янги ЖК композицияларини адгезия кучи, қалинлиги ва мустаҳкамлиги каби физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди, жумладан, юқоридаги хусусиятлар қиёсий жихатдан баҳоланди. Плёнкаларнинг қалинлиги микрометр асбоби ёрдамида турли жойларидан ўлчанди ($n=6$ мкм). Адгезия кучи ва мустаҳкамлиги Ньютонда (Н) аниқланган. Аниқланишича "NeuSkin-F" тижорат намунаси бизнинг плёнкаларга нисбатан деярли 2 баробар ($P \leq 0,001$) қалинроқ ва мустаҳкамроқ, аммо адгезия кучи жихатдан бизникидан икки баробар куйи. Қорамол коллагенига асосланган плёнкаларимиз ўрганилган барча хоссалари бўйича каламуш коллагенига асосланган пленкалардан устундир. Бундан ташқари коллагенга флавоноидлар қўшилиши NeuSkin-F билан солиштирилганда мустаҳкамлиги деярли 2,2 баробарга камайтиради, икки хилдаги коллаген билан солиштирилганда деярли 1,5 баробарга камаяди (3-жадвал).

Диаметри 90 мм бўлган Петри идишга гел кўринишидаги коллагенни 40 мл хисобида қуйилгандан, олинган ЖКнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари
($M \pm m$, $n=6$)

ЖК	Қалинлиги, мкм	Мустаҳкамлиги, Н	Адгезия кучи
RC	54,3±1,45**	49,7±1,86**	0,88±0,03*
RC-Rc	57,8±1,89**	53,2±1,3**	0,95±0,01*
RC-K-Ru	42,8±1,54**	35,7±2,12**	0,56±0,02
RC-F-K-Ru	55,8±1,6**	41,8±1,58**	0,79±0,02
CC-K-Ru	61,7±2,42**	51,7±1,89**	1,09±0,03*
CC-Rc	61,3±2,51**	50,5±1,61**	1,06±0,02*
CC-F-K-Ru	67,5±2,22**	55,7±1,71**	1,07±0,04*
CC	62,3±1,86**	58,0±2,05**	1,20±0,04*
NeuSkin-F	97,7±0,49	114,2±0,6	0,66±0,01

Изох: ЖКсини тижорат намунаси "NeuSkin-F" билан солиштирилганда * $P \leq 0,002$, ** $P \leq 0,001$

Натижада ЖКларнинг қуйидаги хоссалари ўрганилгандан сўнг, уларни ижобий фазилатларини камайиш тартибида жойлаштирган ҳолда келтириш мумкин, адгезия кучи бўйича-CC→CC-K-Ru→CC-K-Ru-F→CC-Rc→RC-Rc→RC→RC-K-Ru-F→"NeuSkin-F"→RC-K-Ru; мустаҳкамлиги бўйича-"NeuSkin-F"→CC→CC-K-Ru-F→RC-Rc→CC-K-Ru→CC-Rc→RC→RC-K-Ru-F→RC-K-Ru. Шунга қарамай, барча пленкалар кейинги тадқиқотлар учун танланган.

Куйган жароҳатларнинг экспериментал моделлари бўйича жароҳат қопламаларининг янги композицияларини биологик мувофиқлиги ва регенератив хусусиятларини баҳолаш. Янги композицияларнинг биомослиги *in vitro* усулда каламуш болаларининг тери дермисидан эксплантация усули билан олинган фибробласт хужайра культураларини пайвандлаш йўли билан баҳоланди. Хужайра культуралари 5 мартагача RPMI-1640, 10% бузоқнинг фетал зардоби билан пайвандланди. Хужайраларни трипсин/ЭДТА эритмаси ёрдамида ажратиб олинди ва 1 см² субстрат юза майдонига 20-22 минг миқдорда экилган, субстрат вазифасини Петри идишининг туб қисмидаги жароҳат қопламалари хизмат қилди, бир hafta давомида культивирланди, сўнгра тирик хужайралар сони neutral red усули билан баҳоланди. Аниқланишича, ўрганилаётган ЖКнинг бирортаси, жумладан "NeuSkin-F" савдо намунаси, статистик жихатдан ахамиятли ингибирламади ва пролифератив таъсирга олиб келмади, хужайралар жароҳат қопламасиз Петри идишда бўлгани каби икки баробар кўпайиб тўлиқ монослойга эришилди. Жароҳат қопламасининг специфик фаоллигини баҳолаш, ША даражали термик куйиш моделлари каламушларда ўтказилди. Бир хил ўлчамдаги ва чуқурликдаги 1,75x1,75 см хажмдаги жароҳатлар паялик мосламасига ўрнатилган мис пластинка ёрдамида амалга оширилди. Қўтирлар 40%ли салицил кислота билан олиб ташланди ва жароҳатга қопламалар қўйилди. Аниқланишича "NeuSkin-F" тижорат препарати жароҳат юзаси билан ёпишқоқлиги ва уйғунлиги ёмон эканлиги, бизнинг жароҳа қопламаларимиз дарҳол жароҳатга ёпишиб олдилар. RC-Rc, RC-K-

Ru, RC-K-Ru-F, CC-Rc, CC-K-Ru, CC-K-Ru-F аббревиатура номи остидаги ЖҚ жароҳатлар майдонинг 17,4-21,1 кунда, NeuSkin-F эса 22,1-22,9 кун ичида (4-жадвал).


4-жадвал

Жароҳат қопламаларининг жароҳат соҳасига таъсири ва даволаш механизми (M±m, n=10)

Тажриба шартлари	Жароҳатнинг ўртача майдони, см ²				Жароҳат регенерациясининг муддати, суткалар
	3- сутка	9- сутка	15-сутка	18-сутка	Суткалар
RC-Rc	2,7±0,10	1,9±0,07	1,1±0,03	0,3±0,01	20,9±0,2**
RC-K-Ru	2,6±0,11	1,9±0,02	1,2±0,02	0,3±0,01	20,5±0,2**
RC-K-Ru-F	2,5±0,04	2,0±0,02	1,0±0,02	0,2±0,01	19,6±0,2**
CC-Rc	2,5±0,07	1,8±0,01	0,8±0,01	0,02±0,01	18,9±0,1***
CC-K-Ru	2,4±0,07	1,7±0,03	0,6±0,01	0,01±0,01	18,8±0,2***
CC-K-Ru-F	2,3±0,08	1,5±0,02	0,4±0,01	0	17,5±0,1***
NeuSkin-F	2,9±0,12	2,2±0,03	1,9±0,06	0,9±0,09	22,5±0,4*
Назорат	2,9±0,11	2,3±0,09	1,8±0,07	1,1±0,07	25,8±0,4

Изоҳ: *P < 0,05; ** P < 0,02 ва **** P < 0,001 назорат билан солиштирганда

Бундан ташқари, коллагенига асосланган барча жароҳат қопламалари чандиколди ва чандик зоналари репарациясига, архитектоникасини тўғри шакллантиришга олиб келди, бу эса гистоморфология маълумотлари билан тасдиқланган (4-расм).



4-расм. Тажибадаги хайвонлар терисининг чандик қисми гистоморфологияси. ГЭ бўёғи. 10x10 катта.

4-расмдаги терининг гистоморфологик кўринишидан назорат (даволанмаган) тери участкасида аралашган грануляцион тўқима қоплама эпителий ва жароҳатли нуқсонни кузатиш мумкин; CC-K-Ru-F-Сосочковый ва ретикуляр дермис қатламлари яхши ажралиб турибди; CC-K-Ru-Эпидермис қатламли скуамоз кератинлаштирувчи эпителий билан ифодаланади. Дермиснинг ретикуляр қатлами эластик толалар билан ифодаланади, соч фолликулалари кўринади; CC-Rc, ҳам CC-K-Ru-F фақат, коллаген толаларининг кўпайиши шаклида компенсация белгилари мавжуд; RC-K-Ru-F-Гиперкератозли эпидермис, эрозияни алмаштириш билан гиперрегенератив реакция; RC-K-Ru -Эпидермис остида қон кетиш билан

эрозив очаг; RC-Rc-«NeuSkin-F»Дермиснинг ажралиши ва интеграл катламнинг жароҳатли нуқсони. Энг самарали таъсир СС-К-Ru-F ва СС-К-Ru ЖҚлари беради, тўқималардан намуна олиш вақтида эпителизация тўлиқ яқунланган, қолган гуруҳ хайвонларда эса регенератив жараён давом этади, шунга қарамай терининг куйган ва RC-К-Ru-F, СС-Rc билан даволанган қисмидан 20-суткада намуна олишда визуал равишда эпителизацияси кузатилди, аммо регенератив жараёнлар дермада давом этаётгани гистологик тасвирларда акс этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бора коллаген асосидаги жароҳат қопламаларининг янги композицияларига *ex situ* киритилган антимикроб, антиоксидант ўсимлик компонентлари пролифератори, хусусан алкалоидлар, флавоноидлар ва полифенол бирикмаларнинг экстрактлари олинди, бу эса коллагенли асосга кўп функциялилик беради, экспериментал йирингли ва куйиш жароҳатлар регенерациясини 1,73 ва 1,49 марта тезлаштирган.

2. Филлалбин (RC-F) ва кверцетин (RC-К) қўшилган каламуш коллагенига асосланган жароҳат қоплама терининг жароҳатларини даволашда самаралидир, шу билан бирга назорат гуруҳдаги даволанмаган жароҳатларга нисбатан йирингли жароҳатларнинг тикланишини 1,73 баробар тезлаштирди, бу филлалбиннинг антимикроб ва пролифератив хоссалари, кверцетиннинг антиоксидант хоссалари ҳамда ўринбосар самарага эга экзоген коллаген билан боғлиқ.

3. СС-К-Ru-F–қорамол коллагенга асосланган *S.japonica* флавоноидлари ва филлалбинли пленкалар куйган жароҳатлар терапияси учун анча самарали; юқори конгруэнтликка ва жароҳат ўрни юза адгезиясига эга ва даволанмаган куйган жароҳатларга нисбатан 1,49 баробар тезроқ тиклайди.

4. СС-Rc–полифенол бирикмалар *R.confertus* экстрактли қорамол коллагенига асосланган пленкалар жароҳат ўрнига ёпишиши ва конгруэнтлиги юқори даражада ва даволанмаган куйган жароҳатларга нисбатан 1,34 баробар тезроқ тиклайди, бу антимикроб, яллиғланишга қарши, регенератив хусусиятли ва ўринбосар самарага эга экзоген коллаген билан изохлади.

5. NeuSkin-F" тижорат қопламаси (Eucare Pharmaceuticals (P) Limited, Hindiston) олинган жароҳат қоплама композицияларига нисбатан специфик фаоллиги сустлиги, жароҳат ўрнига ёпишиши ва конгруэнтлиги куйи даражада эканлиги аниқланган.

6. Ишлаб чиқилган жароҳат қоплама композициялари полифункционал, токсик эмас, маҳаллий тирнаш хусусиятига эга эмас, гистологикмос, гипоаллерген. Клиник фойдаланиш учун хавфсизлиги турли хил гел кўринишдаги композицияларнинг юқори дозаларда (5000 мг/кг) узок муддатли *per os* юбориш ва морфологик тадқиқотларимиз билан тасдиқланган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 ПРИ
ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАН ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АБИДОВА АЗИЗА ДЖАЛИЛОВНА

**СОЗДАНИЕ КОМПОЗИЦИЙ РАНЕВЫХ ПОКРЫТИЙ С
РЕГЕНЕРАТИВНОЙ АКТИВНОСТЬЮ**

03.00.11 – Гистология, цитология и клеточная биология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/В458.

Диссертация выполнена в Ташкентской Медицинской Академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ibb-nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Цеомашко Наталья Евгеньевна
доктор биологических наук

Официальные оппоненты:

Шахмурова Гульнора Абдуллаевна
доктор биологических наук, профессор

Хашимова Зайнат Саттаровна
доктор биологических наук

Ведущая организация:

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «21» апреля 2021 г. в 14:00 часов на заседании Разового научного Совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 при Институте биофизики и биохимии при Национального университета Узбекистана по присуждению ученых степеней. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел. 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана (зарегистрированной за № 26). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел: (99871) 246-68-96. e-mail: ibb-nuu@mail.ru; mamurjon2281@mail.ru

Автореферат диссертации разослан: « 5 » апреля 2021 года.
(реестр протокола рассылки № « 1 » от 5.04 2021 года).



[Handwritten signature]

Сабиров Равшан Заирович

Председатель разового Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

[Handwritten signature]

Позилев Маъмуржон Комилжонович

Ученый секретарь разового Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

[Handwritten signature]

Ахмеджанов Искандар Гулямович

Председатель разового Научного Семинара при Научном совете присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из актуальных проблем мировой медицины и фармакологии остается разработка и создание лекарственных форм для терапии ран различного генеза, так как к раневым покрытиям предъявляется широкий спектр требований охватить которые могут только полифункциональные покрытия. Так, раневые покрытия с наилучшим регенеративным эффектом должны обладать биоразлагаемыми, биосовместимыми, не токсичными, не пирогенными, не аллергенными, с высокой абсорбционной способностью, адгезией к раневому ложу, протекцией к микроорганизмам, быть проницаемыми для газов, паров воды и другими свойствами.

Ведущие мировые исследовательские центры проводят интенсивные научные исследования по созданию полифункциональных раневых покрытий. Однако, несмотря на все усилия, ни одно из доступных в настоящее время перевязочных материалов не сочетает в себе все указанные выше требования. Следовательно, необходимы дальнейшие исследования в данной области.

В настоящее время в нашей стране проведены широкомасштабные меры по созданию новых импортозамещающих лекарственных средств на основе местного сырья и дальнейшему развитию фармацевтической промышленности. Отечественных разработок в области постоянных и полифункциональных покрытий для ран на основе коллагена отечественная фармацевтическая промышленность не выпускает. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан определены важные задачи по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, медицинских учреждений и улучшению обеспечения населения доступными качественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями¹. Исходя из этих задач, разработка и создание отечественных полифункциональных постоянных раневых покрытий с регенеративной и противомикробной активностями будет иметь несомненно важное значение в терапии ран различной этиологии и импортозамещении.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 мая 2019 г № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». р№ УП-4947.

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VI «Медицина и фармакология».

